

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йифилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 368 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
	<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
1.	<b>60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</b>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.	60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши.Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	
1.2.	60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1	60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2	60110200 –Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг объектлари.....	
1.2.3	60110200 –Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг турлари.....	4
1.2.4	60110200 –Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари.....	5
2.	60110200 –Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар.....	5
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7

## **1. 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60110200 – Мактабгача таълим** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузи, сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит –модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 3 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60110200 – Мактабгача таълим** таълим йўналиши бўйича бакалавриат тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи таълим ташкилотларининг талабалари;
- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60110200 – Мактабгача таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг қасбий фаолиятлари тавсифи**

##### **1.2.1. 60110200 – Мактабгача таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:**

**60110200 – Мактабгача таълим** бакалавриат таълим йўналиши мактабгача таълим, у мактабгача таълим ташкилотлари, академик лицейлар, техникумлар учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараённада фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида қасбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

##### **1.2.2. 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг обьектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни,

шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

- мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи бўлиб фаолият юритиши, ўрта махсус касб-хунар коллежларида касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

- мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи бўлиб ишлаш;

- таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

- касб - хунар таълим муассасаларида мактабгача таълим методикалари ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

- мактабгача таълим фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- архивларда, ахборот-ресурс марказларида, нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида, қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

- ишлаб чиқариш соҳасида мусиқий касбий таълим педагогикаси, ўқитишининг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

- фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.3.60110200 – Мактабгача таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари:**

**1.2.3. 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

**1.2.4. 60110200 – Мактабгача таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

**60110200 – Мактабгача таълим йўналиши бўйича** Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятлари, соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

#### **Педагогик фаолиятида:**

-мактабгача педагогика ва методика фанларини ўқитишида намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

-ўкув фанларини ўқитиши методикасини эгаллаш;

-электрон ўқитиши воситаларидан самарали фойдаланиш;

-замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўкув машғулотларини ўтказиш;

-ўқитилаётган фанлар бўйича ўкув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

-ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

-мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

-таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

-яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

-таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

-талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш вармивожлантириш;

-таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

-таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

-илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

-замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялари, илфор тажрибалардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

-илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

-интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

-таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

-маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқбол фоясини сингдириш;

-ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

-глобаллашув шароитида кечеётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

-маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сухбат ўтказиш;

-миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умуминсоний қадриятлар, меҳрмуurvват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

- мактабгача таълимга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий сухбатларни ташкиллаштириш;
- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фиркалар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

## **2. 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб муаммоларини билиш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тилларни бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатларни моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўнимкамларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўнимкамларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, таълимнинг статистик, молиявий-иқтисодий таҳлили ва молиявий ҳисботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишини билиш;
- мактабгача таълим назарий билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган мусиқий жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- Мактабгача таълим таълимнинг бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти түғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва қўникмаларига эга бўлиши.

### **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---


#### **Таяинч сўзлар:**

Касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режаси ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, ўқув режа, модуль, амалиёт, амалиёт обьекти, аттестация, таътил, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

2021 йил « \_\_\_\_ »




## КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириши  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбик этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов  
202  йил « \_\_\_\_ »  
M.Ў.



Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача таълими вазирлиги

 Вазир ўринбосари   
202  йил « \_\_\_\_ »  
M.Ў.

